



Дунёда биринчи марта экспорт-импорт банки сукук ишлаб чикарди. Исломиёв облигациялар бозоридаги экспорт-импорт банклари орасида энг дастлабкиси Малайзиянинг МЕХИМ (Export-Import Bank of Malaysia) банки бўлди. Мазкур банк 5 йил ичида тўлаш шарт билан, 300 миллион АКШ доллари миқдорида сукук жорий қилди. Исломиёв бондлар мазкур банк ва EXIM Sukuk Malaysia компанияси қўмағида кенг қўламли дастур ишлаб чиқиб, 1 миллиард доллар миқдорида сукук жорий қилди.

МЕХИМнинг баёнотида айтилишича, сукукга нисбатан инвесторлар томонидан каттик талаб ва таклиф бўлгани боис бир кунлик муддатга йўлга қўйилган эди. Аммо, кейинчалик таклифлар ниҳоятда қўпайиб, деярли 10 баравар ошиб кетди ва экспорт-импорт банкига сукук бўйича тушган талабномалар ҳажми тахминан 1 миллиард долларни ташкил қилди.

Сукукларга 185 та исломиёв ва исломиёв бўлмаган инвесторлар эга бўлдилар. Уларнинг 19 фоизи Яқин Шарққа, 65 фоизи Осиёга, 16 фоизи эса Оврўпа давлатларига юборилди.

Ушбу сукукни чиқаришда маслаҳатчи ва ташкилотчи бўлган банклар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

BNP Paribas Malaysia, CIMB Investment Bank, HSBC Amanah Malaysia ҳамда Maybank Investment Bank.

P.S.

* Сукук – (араб тилидан. سوكو - «хукукий ҳужжат, далолатнома, расмий ҳужжат») Сукук – шариат давлатларида кенг тарқалган молиявий ҳужжат. Бошқача айтадиган бўлсак: облигациянинг Исломиёв эквиваленти (тенг қийматлиси).

* Эмитент – қимматбаҳо қозғалар ва қозғал пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат, банк ёки идора.

Энг ожиз банди тайёрлади